



## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Турғунов Алишер Абдор ўғли

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши  
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси

A-turgunov85@inbox.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7807754>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> March 2023

Accepted: 06<sup>th</sup> April 2023

Online: 07<sup>th</sup> April 2023

### KEY WORDS

Жиноий жазо, жазо тайинлаш, энгиллаштирувчи ҳолат, суд, суд амалиёти, одиллик, инсонпарварлик, айб учун жавобгарлик.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада муаллиф жиноят ҳуқуқида жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар тушунчаси ва унинг белгилари ўзига хос жиҳатларини ёритган.

Жазо тайинлаш – жиноят ҳуқуқининг мураккаб институти бўлиб, унинг мураккаблиги юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинаётган суд ҳукмларининг нафақат қилмишни нотўғри квалификация қилиш, балки нотўғри жазо тайинланиши билан ҳам боғлиқлигида ҳам кўринади. Шу ўринда, қайд этиш керакки, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни тўғри ҳисобга олиш жазо тайинлашни индивидуаллаштиришга, ҳар бир шахсга одиллик, инсонпарварлик, айб учун жавобгарлик принципларига риоя қилган ҳолда жазо тайинлаш имконини беради.

Бундан ташқари, жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг нотўғри талқин этилиши, мантиқан бир-бирини такрорловчи энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги уларни қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳам туғдирмоқда.

Шунингдек, судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни етарли даражада баҳоланмаслиги қонунни қўллашда хатоликларга олиб келади. Натижада, шахсга асосиз равишда ҳукм чиқариш ёхуд унга нисбатан энгиллаштирувчи ҳолатни ҳисобга олиш билан ноўрин энгиллаштиришга олиб келади.

Суд амалиётида амалдаги жиноят қонунини қўллаш билан боғлиқ камчиликлар ва қонундаги жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар мазкур мавзунинг назарий жиҳатдан алоҳида тадқиқ қилиш заруратини кўрсатмоқда.



*Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд амалиётида энгиллаштирувчи ҳолатларни қўллашда айрим муаммолар мавжудлиги нуқтаи назаридан уларни аниқлаш ва бу борадаги амалиёт материалларини пухта таҳлил қилиш орқали жиноят қонунини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда жиноий жазоларни тайинлаш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф мақола якунида энгиллаштирувчи ҳолатлар юзасидан муаллифлик таърифини ҳам ишлаб чиққан.*

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ишларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг туб негизида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва халқ фаровонлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш масаласи турибди.

Қайд этиш керакки, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги унга нисбатан адолатли жазо тайинланишида ифодаланиши лозим. Жазонинг қонунийлиги, адолатлилиги нафақат жиноят содир этган шахснинг, балки бутун жамиятнинг тақдирига дахлдор ҳисобланади. Жиноий жазо тайинлашда жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар алоҳида аҳамият касб этиб, унинг тўғри инobatга олинганлиги тайинланадиган жазонинг адолатлилигига хизмат қилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз ҳаётида инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлардан энг йирик ва аҳамиятлиси бу суд-ҳуқуқ ислоҳотларидир. Мазкур жараёнида жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш жиноят-ҳуқуқий сиёсатда муҳим вазифа саналади.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш белгиланган бўлиб, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг ривожланишини ҳолати, замонавий талаблардан, халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишни назарда тутган ҳолда “2018-2021 йилларга мўлжалланган Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш Концепция”сини ишлаб чиқиш белгиланган<sup>1</sup>.

Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилган.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.



Хусусан, иккинчи устувор йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган. Ушбу йўналиш суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини тубдан яхшилаш масалаларига бағишланган<sup>2</sup>.

Таъкидланганидек, жазо тайинлаш – жиноят ҳуқуқининг мураккаб институти бўлиб, унинг мураккаблиги юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинаётган суд ҳукмларининг нафақат қилмишни нотўғри квалификация қилиш, балки нотўғри жазо тайинланиши билан ҳам боғлиқлигида ҳам кўринади.

Жиноий жазо чораларини қўллашда қонун талабларига сўзсиз риоя этилиши одил судловнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги ва фақат одилона жазо қўллашгина инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтларни ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асосларини назарда тутиб, суд ҳар бир жиноят иши бўйича жазо тайинлаш вақтида амал қилиши лозим бўлган умумий мезонларни мустаҳкамланган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазо тайинлашнинг умумий асосларига нисбатан турлича қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи бир муаллифлар уни жиноят учун жазо тайинлашнинг принциплари деб ҳисоблаб, бу билан жазо тайинлашнинг умумий асослари, ҳар бир судланувчига тўғри ва адолатли жазо тайинлаш учун суд томонидан жазо тайинлашда эътиборга олиниши ва асосланиши керак бўлган, жиноят қонунчилигида ёки жиноят ҳуқуқи нормаларида мустаҳкамланган таянч ғоялар деб ҳисоблаб, уларнинг боғлиқлигини таъкидлашади. А.С.Якубов ва бошқалар томонидан билдирилган фикрлар анча тўғри ва аниқроқдир. Яъни жазо тайинлашнинг умумий асослари жиноят қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқувчи ва Жиноят кодекси принципларига асосланган ҳуқуқий кўрсатмалар тизими бўлиб, суд улар асосида жиноят содир этганликда айбдор бўлган шахсга тайинладиган жазонинг тури ва миқдорини белгилайди<sup>4</sup>.

ЖК 54-моддасига кўра: “Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди”.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади”.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сонидан эълон қилинган.

<sup>3</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент, 2006. Б.381.

<sup>4</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм/ Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқалар – Тошкент: ИИВ Академияси. 2005. –Б. 330.



Жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган мезонлардан бири жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлардир. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва айбдор шахси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг аниқ ифодаланишига ҳамда суд ҳукмида тўғри баён қилиниб, одилона жазо тайинланишига хизмат қилади. Бошқача айтганда, қонун чиқарувчи бу ҳолатларни жиноятчи шахси, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини белгиловчи, очиб берувчи жиҳатлардан бири сифатида белгилайди.

1958 йилда қабул қилинган Собиқ иттифоқ давлатларининг жиноят қонунчилиги асослари ва Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги Жиноят кодексида жазони енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятчи шахси билан бир қаторда жазо тайинлашнинг мустақил мезонларидан бири сифтида кўрсатилган эди. Аммо Л.Л.Кругликов қайд этганидек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар жиноятчи шахси, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятининг ҳосиласи саналади. Уларни бир бутунликдан ажратиш, алоҳида мезон сифатида кўрсатиш сезиларли даражада сунъийликка эга эди. Агар эътиборни жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси ва жиноятчи шахси билан генетик жиҳатдан боғлиқлигига эмас, унинг ҳосиласи эканига қаратиладиган бўлса, қонунда иккита мезоннинг бўлиши етарли деган фикр юзага келади. Бироқ жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар уларнинг мазмунини муҳим таркибий қисмини ташкил этади.

Агар бу ҳолатларнинг функцияси, ролининг жазо билан боғлиқлигига қарайдиган бўлсак, бошқа ҳолатлар ҳам жазони енгиллаштириш ёки оғирлаштириш нуқтаи назаридан қайсидир маънода таъсир қилишини кўрамиз, бу эса жазони енгиллатирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар жазо тайинлашнинг универсал мезонларидан бири деган хулосага келишга имкон беради.

Лекин, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига хос жиҳатлар (тажовуз объекти, айб шакли, жиноят таснифи) қонун чиқарувчи томонидан санкцияларни шакллантиришда ҳисобга олингани сабабли жазо тайинлашда қайта ҳисобга олиниши зарур эмас.

Шундай қилиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва айбдор шахси жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар билан қопланиб кетади, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти эса қонун чиқарувчи томонидан санкцияларни шакллантиришда ҳисобга олинган.

1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар тушунчаси ёритилмаган. Айнан шу сабабли ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг моҳияти ва юридик табиати бир мунча долзарб ҳамда мунозарали саналади.

Шу билан бирга қонундаги бўшлиқни жиноят ҳуқуқи назарияси олимлари томонидан тўлдиришга ҳаракат қилинмоқда. Адабиётларда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар тушунчасига турлича таъриф берилмоқда.



Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар масаласини алоҳида ўрганган ўзбек олимларидан М.Усмоналиев ва П.Бакуновлар “Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан фақат энгилроқ жазо тайинлашнинг ўзи бўлмасдан, энг аввало жазони индивидуаллаштириш, жиноят қонунининг инсонпарварлик принципини амалга ошириш ҳамда ЎЗР ЖКнинг 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадига тезроқ эришишдан иборатдир”<sup>5</sup>,- дейди.

Жазо тайинлаш масаласини ўрганган М.Назаровнинг фикрича жазони энгиллаштирувчи ҳолатларга айбдорнинг шахсига оид маълумотлар ва суд томонидан жазо тайинлаш вақтида жазо тури ҳамда чорасини белгилашда ҳисобга олиниши лозим бўлган бошқа ҳолатлар киради<sup>6</sup>.

Вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласида махсус илмий тадқиқот олиб борган ўзбек олимларидан бири У.Ш.Холиқулов: “Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар айбдорга тайинланаётган жазонинг тарбиялов ва жазолов функцияларининг тўғри нисбатини танлашга ёрдам бериб, уни имконияти борича ахлоқан тузалиш ва бошқа жиноят содир этилишининг олдини олишга ёрдам беради”<sup>7</sup> – деб ҳисоблайди.

Яна бошқалар жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар суд томонидан ва қонун билан белгиланган доирада амалга оширилиши кераклигига урғу беради. Бу ҳол қонун чиқарувчи томонидан ҳуқуқий норма талабларини бажармайдиган шахсларга қўлланадиган жазоларни намоён қилувчи санкцияларнинг тўғри тузилиши ва уларни суд томонидан тўғри тушунилишининг аҳамиятини кўрсатади<sup>8</sup>.

М.Х.Рустамбоевнинг қайд этишича, жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини кам эканидан далолат беради ва судга энгилроқ жазо тайинлашга асос бўлади, яъни ЖК Махсус қисмининг санкциялари доирасида энгилроқ жазо турини танлаш (альтернатив санкция) ёки унинг миқдорини камайтиришга асос бўлади<sup>9</sup>.

Айрим муаллифлар ушбу тушунчага “жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар – жиноят таркиби белгиларига кирмайдиган, жиноятнинг объектив ва субъектив ҳолатларни тавсифлайдиган ҳамда санкция доирасида энгилроқ жазо тайинлашда инобатга олинадиган ҳолатлар”<sup>10</sup>, - деб таъриф беради.

Ю.ф.д., проф. Э.Х.Норбўтаев эса, қонунда жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг бўлишига қарши чиқади. Унинг фикрича ижтимоий хавфлилик даражаси бир-бирига яқин бўлган жиноятлар учун бир хил жазони қонунда белгиланиши жазонинг

<sup>5</sup>Усмоналиев М. Бакунов П. Жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –Б.12.

<sup>6</sup>Назаров М. Назначение наказания в уголовном праве Республики Узбекистан. –Тошкент: Адолат, 2013. –С. 123.

<sup>7</sup> Халиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш муаммолари: 12.00.08- жиноят ҳуқуқи ва криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича ю.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс... –Тошкент, 2006. –Б. 32.

<sup>8</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. / Бобоев Х.Б., Одиқориев Х.Т. ва бошқ. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. –Б. 280.

<sup>9</sup>Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Птом. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Тошкент: “ILMZYU”, 2011. –Б. 83.

<sup>10</sup>Jinoyat huquqi.Umumiy qism: Darslik. (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. –Т.: O'zbekistonRespublikasi IIV Akademiyasi, 2012. –Б. 331.



адолатлилигини таъминлайди. Буни жиноят қонунидаги нисбий муайян санкциялар имкони борича камайтириш, асосан мутлоқ санкцияларни кўпайтириш, энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлардан воз кечиш кераклигини таклиф қилади<sup>11</sup>. Лекин жазони индивидуаллаштириш масаласи долзарб бўлган бугунги кунда энгиллаштирувчи ҳолатларнинг бўлмаслиги тўғри бўлмайди.

Т.А.Лесниевски-Костарева энгиллаштирувчи ҳолатларга қуйидагича таъриф беради: “Жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар – бу жиноят қонунида назарда тутилган, жазо тайинлашнинг умумий асосларига кўра аниқ жазо турини белгилашда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳолатлар”<sup>12</sup>.

Жазони энгиллаштирувчи ҳолатларга берилган бу таъриф қатор камчиликларга эга. Биринчидан, муаллиф ЖК 55-моддасида қайд этилган энгиллаштирувчи ҳолатларнинг ўзи билан чекланиб қолган, айти пайтда ЖК 55-модда 2-қисмида жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундан ташқари фақатгина энгиллаштирувчи ҳолатлар жазо тайинлашда ҳисобга олиниши шартлиги айтилади, энгиллаштирувчи ҳолатларнинг ўзи нима, у нимани ифодалайди ва жазо чорасига қай даражада таъсир қилиши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

В.И.Селиверстовнинг фикрича “жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар – бу жиноят белгиларига кирмайдиган, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва айбдорнинг шахсини ифодаловчи ҳолатлар ҳамда суд томонидан аниқ жазо турини, миқдори ва муддатини белгилашда жазо тайинлашнинг умумий асосларидан келиб чиқиб ҳисобга олинадиган”<sup>13</sup>.

Муаллифнинг фикри жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг белгиларини ёритиб берган бўлсада, бу ҳолатлар бир пайтнинг ўзида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва айбдорнинг шахсини ифодалаш ҳақидаги фикр тўғри эмас. Масалан, ЖК 55-модда 1-қисм “ж” бандидаги вояга етмаганнинг жиноят содир этиши жабрланувчига хос жиҳатни ифодаласа, “и” бандидаги жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш – жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалайди.

В.И.Зубков, Р.А.Рагимовлар ҳам шунга ўхшаш фикр билдиради: “Энгиллаштирувчи ҳолатлар – бу жиноят таркиби доирасига кирмайдиган, аммо бевосита ёки билвосита жиноят ёки жиноятчи шахсига хос бўлган ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда хусусиятини ифодаловчи ҳамда жазо тайинлашга таъсир қилувчи ҳолатлар”<sup>14</sup>.

М.Д.Шаргородскийнинг таърифида ҳам шундай камчилик учрасада, жазони энгиллаштирувчи ҳолатларга жиноий жавобгарлик нуқтаи назаридан ёндашган: “Суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган энгиллаштирувчи

<sup>11</sup>Норбутаев Э.Х. Уголовный закон и его эффективность. –Т.: «Мехнат», 1991. –С. 45-50.

<sup>12</sup>Лесниевски-Костарева Т.А. Уголовное право. Словарь-справочник. М.: 2000, - С. 200.

<sup>13</sup>Селиверстов В.И. Назначение наказания // Уголовное право. Часть Общая. Часть Особенная. Учебник. / Под ред. Л.Д.Гаухмана, Л.М.Колодкина. –М., 1999. –С. 221.

<sup>14</sup>Зубкова В.И. Уголовное наказание и его социальная роль: тория и практика.-М, 2002. –С. 212; Рагимов Р.А. Проблемы назначения наказания (по материалам Республики Дагистан). Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Махачкала, 2002. –С. 15.



ҳолатлар – бу жиноят содир қилган шахсга ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига хос турли омиллар бўлиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини камайтиради ва шу билан бирга жиноятчининг жавобгарлигини енгиллаштиради”<sup>15</sup>. Шунга эътибор бериш керакки, бу таърифда муаллиф енгиллаштирувчи ҳолатлар жазони эмас, жавобгарликни енгиллаштиришини айтади.

Келтирилган фикрлардан кўришиб турибдики, кўпчилик олимлар ЖК 55-моддасида кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятга ва айбдор шахсига боғлиқлигига урғу беради, лекин жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг баъзилари жиноят билан ҳам, жиноятчи шахси билан ҳам бевосита боғлиқ эмас. Масалан, айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, жиноятни очишга фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш, жабрланувчига тиббий ёки бошқача ёрдам кўрсатиш жиноят содир этилгандан сўнг амалга ошириладиган ҳаракатлар, уларни жиноятчи шахсини ифодаловчи ҳолатларга киритиш ҳам мумкин эмас, чунки бу ҳаракатларни амалга ошириш мотиви турлича бўлиши ҳамда содир этилган қилмишдан пушаймон бўлиш билан боғлиқ бўлиши шарт эмас. Шу сабабли буларни айбдорнинг жиноят содир этгандан кейинги хулқ-атворини ифодаловчи ҳолатларга киритиш зарур.

Бундан ташқари, жабрланувчига тиббий ёки бошқа ёрдам кўрсатиш узоққа чўзилган жиноятларни содир этишда ҳам аҳамиятга эга бўлади (масалан, одам ўғирлашда, гаровга олишда), шу сабабли жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар орасида жиноят содир этиш вақтида айбдорнинг хулқ-атворига боғлиқ бўлганларини ҳам ажратиш муҳим.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ўрганишда уларни таснифлаш назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга ва олимлар бу масалада ҳам турли мезонларга кўра таснифни амалга оширадilar.

Э.О.Тожиев енгиллаштирувчи ҳолатларни:

- 1) жиноят субъектининг шахсини ифодаловчи ҳолатлар;
- 2) жиноятнинг мотиви ва унинг шаклланишига тегишли бўлган ҳолатлар;
- 3) шахснинг жиноят содир қилгандан кейинги хулқини ифодаловчи ҳолатларга ажратган. Бунини субъектни маълум даражада у ёки бу жазони субъектив қабул қилиш<sup>16</sup>билан боғлайди. Бизнинг фикримизча мазкур масалага бундай ёндашиш унинг моҳиятини анча торайтиради.

И.М.Собиров “жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, биринчидан, фақат жиноятни; иккинчидан, фақат шахсни; учинчидан бир вақтда жиноят ва айбдорнинг шахсини тавсифловчи ҳолатларга ажратиш тўғрироқ бўлади”<sup>17</sup>, -деб ҳисоблаган.

<sup>15</sup>Шаргородский М.Д. Курс уголовного права. Часть Общая. Т.2, -Ленинград, 2000. –С. 359.

<sup>16</sup>Тожиев Э.М. Понятие и уголовно-правовое значение обстоятельств, смягчающих наказание. –Нукус: Билим, 2000. –С. 64.

<sup>17</sup>Собиров И.М. Особенности назначения наказания несовершеннолетним. Дис. ... кан. юр. наук.-Ташкент, 1992. –С. 156.



Энгиллаштирувчи ҳолатларни жиноят таркибининг у ёки бу элементига (томонига) тегишлилигига қараб таснифловчи олимлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади<sup>18</sup>.

А.Э.Жалинский жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни қуйидагича таснифлайди:

- а) жиноятчи шахсига доир;
- б) жиноятчининг жиноят содир қилгандан кейинги хулқ-атворига боғлиқ энгиллаштирувчи ҳолатлар;
- в) жабрланувчининг хулқига доир энгиллаштирувчи ҳолатлар;
- г) жиноят содир этиш сабаб ва шароитларига боғлиқ ҳолатлар<sup>19</sup>.

Фикримизча, муаллиф томонидан айбдорнинг хулқини ифодаловчи энгиллаштирувчи ҳолатларнинг ажратилиши ноўриндир, бу каби ҳолатлар жиноят содир этиш сабабига кирувчи энгиллаштирувчи ҳолатларга киради.

О.А.Мясников жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни уч гуруҳга ажратади, бунга жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига ва айбдор шахсига таъсир қилиш даражасини асос қилиб олган. Биринчи гуруҳга, жиноятнинг ва айбдорнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни киритади (масалан, жиноятни очишга фаол ёрдам бериш). Иккинчи гуруҳга – жиноятнинг ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтиришга камроқ таъсир қилувчи ҳолатларни киритади (жабрланувчининг ғайриқонуний ва ахлоққа зид хулқ-атвори таъсирида жиноят содир қилиш).

Учинчи гуруҳга – ташқи жиҳатдан муваққат бўлган, ўз ҳолича жиноят ва айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини камайишига сабаб бўлмайдиган, лекин жиноятчи шахсига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашишдан келиб чиқиб, ижтимоий адолатга эришиш мақсадида ҳисобга олинадиган ҳолатлар (ҳомиладор аёл, айбдорнинг ёш боласи борлиги) киради<sup>20</sup>.

А.В.Савенков айбдорнинг шахси ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига таъсир қилишига боғлиқлигига кўра жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни жазони энгиллаштирувчи ва жазони алоҳида энгиллаштирувчи ҳолатларга ажратади<sup>21</sup>. Жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни бундай таснифланишини Т.А. Лесниевски-Костарева, З.М. Салихов, С.Н.Шатилович, М.Г. Ушаковлар ҳам маъқуллайдилар<sup>22</sup>. Бизнингча, жазони энгиллаштирувчи ҳолатларни бундай таснифланиши шартлидир,

<sup>18</sup>Jinoyat huquqi.Umumiy qism: Darslik. (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. –Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. –В. 331.;КадировА.В. Обстоятельства отягчающи енаказание. Автореф.канд.дисс. –Т., 1997. –С. 12; Иванов А.Г. Смягчающие ответственность обстоятельства в советском уголовном праве. Автореф.канд.дисс. –М. –С. 12.

<sup>19</sup>Жалинский А.Э. Назначение наказания // Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации с постатейными материалами и судебной практикой / Под ред. Н.И.Никулина. –М., 2002. –С. 242.

<sup>20</sup>Мясников О.А. Смягчающие и отягчающие наказание обстоятельства в теории, законодательстве и судебной практике. –М., 2002. –С.32-33.

<sup>21</sup>Савенков А.В. Принцип индивидуализации при назначении наказания. Автореф. дис. канд. юрид. наук. –Спб, 2004. –С. 18.

<sup>22</sup>Лесниевски-Костарева Т.А. Уголовная ответственность и уголовно-правовая политика // Уголовное право., 1998. №3, -С. 16. Шатилович С.Н. Деятельное раскаяние и наказуемость преступлений. Дис. .. канд. юрид. наук. –Нийний Новгород, 2002. –С. 184.; Салихов З.М. Индивидуализация наказания при его назначении судов по российскому уголовному праву. Дис. ... канд. юрид. наук. –Казань, 2002. –С. 155.; Ушакова М.Г. Смягчающие наказание обстоятельства в уголовном праве России. Дис. ... канд. юрид. наук. –М., 2002. –С. 65.



чунки у ёки бу ҳолатни ҳар бир аниқ вазиятда таъсири турлича ва суд томонидан жазо тайинлашда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатнинг мавжудлиги аниқланади.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

*Жазони енгиллаштирувчи ҳолат – бу жазони индивидуаллаштириш воситаси бўлиб, қонун билан белгиланган ва суд томонидан ЖК 55-моддасига кўра жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олинувчи, жиноятни, айбдор шахси, унинг жиноят содир этиш вақтида ёки жиноят содир қилгандан кейинги хулқ-атворини ифодаловчи, жиноят таркиби доирасига кирмайдиган ва жазони енгиллаштиришга сабаб бўлувчи ҳолатлар.*

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/20596>
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент, 2006. Б.381.
4. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм/ Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқалар – Тошкент: ИИВ Академияси. 2005. –Б. 330.
5. Усмоналиев М. Бакунов П. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –Б.12.
6. Назаров М. Назначение наказание в уголовном праве Республики Узбекистан. – Тошкент: Адолат, 2013. –С. 123.
7. Халиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш муаммолари: 12.00.08- жиноят ҳуқуқи ва криминология, жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича ю.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс... –Тошкент, 2006. –Б. 32.
8. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. / Бобоев Х.Б., Одилқориев Х.Т. ва бошқ. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. –Б. 280.
9. Рустамбоев М. Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. II том. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Тошкент: “ILMZYU”, 2011. –Б. 83.
10. Jinoyat huquqi.Umumiy qism: Darslik. (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. –Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. –В. 331.
11. Норбутаев Э.Х. Уголовный закон и его эффективность. –Т.: «Мехнат», 1991. –С. 45-50.
12. Лесниевски-Костарева Т.А. Уголовное право. Словарь-справочник. М.: 2000, - С. 200.
13. Селиверстов В.И. Назначение наказания // Уголовное право. Часть Общая. Часть Особенная. Учебник. / Под ред. Л.Д.Гаухмана, Л.М.Колодкина. –М., 1999. –С. 221.



14. Зубкова В.И. Уголовное наказание и его социальная роль: теория и практика.-М, 2002. –С. 212; Рагимов Р.А. Проблемы назначения наказания (по материалам Республики Дагистан). Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Махачкала, 2002. –С. 15.
15. Шаргородский М.Д. Курс уголовного права. Часть Общая. Т.2, -Ленинград, 2000. –С. 359.
16. Тожиев Э.М. Понятие и уголовно-правовое значение обстоятельств , смягчающих наказание. –Нукус: Билим, 2000. –С. 64.
17. Собиров И.М. Особенности назначения наказания несовершеннолетним. Дис. ... кан. юр. наук.-Ташкент, 1992. –С. 156.